

Ёши улуглар шоҳид бўлишган собиқ шўролар даврида "Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотиш" шиори остидаги саъй-ҳаракатлар бесамар қолаверган.

5 бет

Ҳар бир одамнинг яшаш ҳуқуқи, унинг эрки, қадр-қиммати ва бошқа шахсий ҳуқуқлари Конституциямизда кафолатланиб, давлат томонидан ҳимоя қилинади.

6 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Ўзбекистон



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2010-yil 10-iyun, №23 (700)

Қонун устуворлиги- тараққиёт кафолати

Кўҳна тарихимиз солномасида 19 йил кўз очиб юмгунча фурсат. Мустақилликка эришганимиздан буён ўтган ана шу қисқа вақт мобайнида асрга тенг тараққиёт йўлини босиб ўтдик, десак муболага бўлмайди. Президентимиз раҳнаомлигида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Фуқаролик жамиятининг қонуний асослари яратилди ва мустақамланди. Бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар таркиб топди. Шунга мунд тафаккуримиз, дунёқарашимиз тубдан ўзгарди. Ўтмиш иллати - мутелик, боқимандалик кайфияти ўрнини ташаббускорлик, сермазмун ҳаёт кечирish истагида тинмай олға интилиш эҳтиёжи эгаллади.

Инсон ҳуқуқи ва бурчи мутаносиблиги, фуқаро, давлат ва жамият манфаатларининг уйғунлигига эришишни кўзлаб қабул қилинган қонунлар мажмуаси ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ривожланиши бораборида ҳалқимизнинг турмуш даражаси муттасил ўсиб боришига хизмат қилмоқда. Истиқлол туфайли қабул қилинган қонунларда кафолатланган мулкдорлик ҳуқуқини тасарруф этиб иш бошлаётган, фаолият доирасини кенгайтиришга интилаётган тадбиркорлар иқтисодиёт ривожини таъминловчи етакчи кучга айланмоқда.

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш бора-сидаги Президентимизнинг қарорлари ўз самарасини бермоқда. Бутун мамлакатимизда бўлгани каби вилоятимиздада ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ҳажми ортиб, сифати яхшиланыпти. Вилоят прокуратураси органлари Республика Бош прокуратуранинг буйруқ ва кўрсатмаларига биноан ушбу соҳадаги қонунчилик ижросини таъминлашмоқда. Тадбиркорларнинг фаолиятларига гайриқонуний аралаштишларга чек қўйилмоқда. Маҳаллий ҳокимият органларининг тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларига зид қарорлари бекор қилиняпти. Айни чоғда вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 40377 та тадбиркорлик субъектларининг 36217 таси кичик бизнес билан машғул. Назорат тадбирлари, таҳсиллар ҳамон уларнинг фаолиятларига қонунга ҳилоф равишда аралаштиш ҳолатлари мавжудлигини кўрсатди. Хусусан, Балиқчи туманидаги "Истикбол машина трактор парки" МЧЖнинг раиси Ш.Тургунов "Иқбол-1" фермер хўжалигининг ер майдонларини сохта ҳужжатлар воситасида бошқа фермер хўжалигига ўтказган. Ўзбошимча раис жиноий жавобгарликка тортилди.

Марҳамат туман ҳокимининг қарорига асосан фотосурат, компьютер ва нусха кўчириш хизматлари учун бино қурилишига 42 квадрат метр ер майдони ажратилган. Тадбиркор Л.Шарипов лойиҳа ҳужжатларига биноан иморатни қуриб

Баҳодир ДЕҲҚОНОВ,
Андижон вилоят прокурори

битказган. Туман ҳокимининг қарори билан асоссиз равишда иморат ва ер майдони туман ИИБ ихтиёрига олиб берилган. Ҳокимнинг гайриқонуний қарорига протест келтирилиб, тадбиркорнинг ҳуқуқи тикланди. Фуқароларга ер майдонларини ажратишда қўпол қонунбузилиш ва суиистемолчилик ҳолларига йўл қўйган туманнинг собиқ ҳокими С.Эсонов жиноий жавобгарликка тортилди.

Фуқароларга муносиб турмуш шароитларини яратиш бериш осон кечаётгани йўқ. Ислохотлар жараёнида туғилаётган ижтимоий-иқтисодий муаммолар тегишли қонунларни қабул қилиш, қонунчиликни такомиллаштириш орқали ҳал этилмоқда. Прокуратура органлари барча соҳаларда қонун ва қонуности ҳужжатларининг қўлланилиши ва ижрога қаратилишини ўрганиб, таҳлил этиб боришмоқда. Ҳар бир фуқарога дахлдор, ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган меҳнат ва бандлик, тўлов интизоми, коммунал хизматлар кўрсатиш ва улар учун тўловлар, иш ҳақи тўловидаги узилишларга чек қўйиш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш тўғрисидаги қонунлар ва Президентимизнинг қарорлари ижроси мунтазам равишда ўрганиляпти. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш билан бирга уларнинг сабабларини аниқлаб, олдини олиш чора-тадбирлари кўрилоқда.

Ишсизлик турли жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, одам савдоси жинояти содир этилишининг билвосита сабаблари сирасига кириди. Шуларни эътиборга олган ҳолда ишсиз фуқароларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва ишга жойлаштиришга оид қонунчилик ижросини таъминлаш диққат марказимизда бўлиб келмоқда. Вилоятда мавжуд бўш иш ўринларидан фойдаланиш, янгиларини яратишни рағбатлантириш, ҳодимларни талаб юқори бўлган бошқа касбларга қайта тайёрлаш ҳисобига йил бошидан буён салкам 25 мингта иш ўринлари яратилди. Мурожаат қилганларнинг 18 минг 731 нафари иш билан таъминланди. Меҳнат бозорида тенг рақобатлаша олмайдиган шахсларнинг 2 минг 55 нафари квоталанган иш ўринларида меҳнат қила бошладилар.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларига меҳнат ҳуқуқларини тушунтириш ва мақбул иш жойларини тақлиф қилиш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилмоқда. Прокуратура органлари бандликка кўмаклашиш ҳудудий марказлари билан ҳамкорликда йил бошидан буён 24 маротаба ташкил қилинган ана шундай ярмаркаларда салкам 2900 нафар фуқаро, шу жумладан, 1432 нафар битирувчи ёшлар ишга йўланмалар олишди.

[Давоми 4-бетда]



Пойтахтимизда 10-11 июнь кунлари бўлиб ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси олдида кенг қўламли тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

Саммит фаолиятини ёритишда ташкилотта аъзо давлатлар - Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан ташқари Туркменистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Мўғулистоннинг турли оммавий ахборот воситаларидан уч юзга яқин вакил, қарийб 200 нафар маълум журналист иштирок этиди.

ШХТнинг халқаро майдондаги аҳамияти ва нуфузи изчил ошиб бораётгани жазон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. Тошкент саммитини нафақат мазкур ташкилотта аъзо, кузатувчи, меҳмон сифатида тақлиф этилган давлатлар,

ШХТ саммити олдидан

Шавкат Ёдгоров,
"Ҳуқуқ"

балки қўллаб бошқа мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари, нуфузли халқаро нашрлар, йирик ахборот агентликлари ва телеканаллар вакилларининг ёритиб бориш истагини билдиришгани ҳам шундан далolat беради.

Саммит доирасидаги тадбирларини кенг, сифатли ва тезкор ёритиш учун "Ўзэкспомарказ"да барча қўлайликларга эга халқаро матбуот маркази ташкил этилиб, куни кеча марказнинг очилиш маросими ўтказилди. Марказда саммит арафасида ва анжуман бўлиб ўтадиган кунлар журналистларнинг тўлақонли ва самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур шароитлар яратилган.

Саломатлик йўлида

Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
"Ҳуқуқ"

қул ва тошқолларни жасалаштириш қуввати ҳам ошиб бормоқда.

Муҳокама давомида "Чиқиндилар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент вилоятидаги йирик корхоналар томонидан ижро этилишида мавжуд бўлган айрим камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси ҳамда вилоят қўмитаси томонидан 2007-2009 йилларда фосфогипсдан минерал ўнгитлар ишлаб чиқариш бўйича технологияларни ишлаб чиқиш учун 71 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилган бўлишига қарамай, вилоятнинг йирик саноат корхоналаридан бири бўлмиш "Аммофос-Максам" АЖда ҳозирга қадар бу иш йўлга қўйилмаган. Шу билан бирга, айрим корхоналар томонидан чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш учун хоржий инвестицияларни жалб этиш борасида етарли ишлар олиб борилмапти. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида эса оғир юк машиналари шиналарини ҳамда иштатилган ванадий катализаторларини утилизация қилиш амалга оширилмаган. Бундан ташқари, "Бекободшифер" АЖда кўп миқдорда тўпланиб қолган азбозурит чиқиндиларидан қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича янги технологияларни жорий этишга муҳтожлик ҳам алоҳида таъкидланди.

Мажлисада сенаторлар, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг депутатлари, тегишли вазирликлар, идоралар, ижро этувчи ҳокимият органлари вакиллари, йирик саноат корхоналарининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари, олимлар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди.

